СОҲИБҚИРОН СТИПЕНДИЯСИ

ФАРҒОНА. Келаси ойдан бошлаб Қўқон шаҳридаги мактабларнинг энг аълочи ўқувчилари Амир Темур стипендияларини ола бошлайдилар. Бу мукофот Соҳибқирон бобомизнинг қутлуғ тўйлари шарафига ХДП Қўқон шаҳар кенгаши томонидан таъсис этилди.

— Ниятимиз — 1996-97 ўқув йиллари давомида энг иқтидорли ва билимдон ёшларни қўллаб-қувватлаш, — дейди ХДП Қўқон шаҳар кенгашининг биринчи котиби Соҳибжон Мавлонов. — Ҳар бир аълочи ўқувчига 500 сўмдан мукофот беришни режалаштирдик.

Моҳинур ҚОДИРОВА.



СЎНГГИ СОАТДА



ТЕМУРХОНЛИК КЕЧАСИ

БУХОРО. Жондор туманидаги катта маданият саройида "Амир Темур ижодини ўрганамиз" мавзусида туман мактаблари ўртасида мусобақа ўтказилди. Темурхонлик кечаси мазмунга бой бўлиб, барча иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди. Кечада туман халқ маорифи бўлими томонидан қўйилган қимматбаҳо совға ва 5 минг сўм пул мукофотлари 26-, 3-ўрта мактаб ўқувчиларига насиб этди. Маҳмуд Торобий ҳамда Навоий номли жамоа хўжаликлари ҳам қизиқарли мусобақага ҳомийлик қилишди.

Шоира МЎМИНОВА.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 24 октябрь, пайшанба № 137 (22.058).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 октябрь куни Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси президенти, атоқли ёзувчи Чингиз Айтматовни қабул қилди.

Ислом Каримов суҳбат чоғида Чингиз Айтматов ижодли нафақат туркий халқлар, балки умумжаҳон маданий ҳаётида ҳам катта ҳодиса эканини таъкидлади. У раҳбарлик қилаётган Ассамблея қардош халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни, маънавий бирликни янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутишини қайд этди.

Чингиз Айтматов самимий қабул ва уз ижодига берилган юксак баҳо учун миннатдорлик билдирди. «Туркистон-умумий уйимиз» ҳаракати, Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси доирасида азалдан қондош халқлар қардошлигини мустаҳкамлашга бундан буён ҳам ҳисса қўшаверишини айтди.

(ЎзА).

АДОЛАТ ВА ҚУДРАТ ТИМСОЛИ



СУРАТЛАРДА: Амир Темурга Тошкентда, Самарқандда, Шаҳрисабзда ўрнатилган ҳайкаллар.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ ва С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик таваллуд тўйи мамлакатимизда зўр шоду хуррамлик билан давом этмоқда. Куни кеча Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида улуғ бобомизнинг муҳташам ҳайкаллари қад ростлади. Бундан уч йил муқаддам гўзал Тошкент марказида ҳазрати Темурнинг улуғвор суворий ҳайкали ўрнатилган эди.

Эндиликда бир-бири билан узвий боғлиқ бу уч муаззам бадиий обида шавкатли аждодимизнинг адолат ва қудрат рамзи бўлган беназир сиймосини яхлит ҳолда тасаввур этиш имконини беради.

Самарқанд ва Шаҳрисабздаги тантаналар чоғида Соҳибқирон тимсолини мужассам этган ҳайкаллар маросимга йиғилган жамоат, узоқ-яқин мамлакатлардан келган меҳмонларнинг ҳайрат ва ҳаяжонига сабаб бўлди. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг мухбири Президент Ислом Каримовдан Амир Темур образининг мазкур бадиий талқинлари ҳақидаги таассуротларини сўради. Юртбошимиз мухбирнинг саволига кўтаринки кайфият билан жавоб бериб, жумладан, бундай деди:

— Аввало, бу ҳайкалларда Амир Темурнинг салобатли ва улуғвор қиёфаси муносиб тарзда яратилган, деб айтсак, муболаға бўлмайди. Шахсан мен Соҳибқирон бобомизнинг сиймосига боқар эканман, вужудимни ички бир ҳаяжон чулғайди. Диққат билан қарасангиз, ҳазрати Темурнинг нуроний, шижоатли қиёфасида у зотнинг бу дунёга келиб қилган ишларидан, кезган йўлларидан, суронли ўтган умридан, тузган бекиёс давлатидан мамнунлик ифодасини уқиш мумкин, — деб таъкидлади Президент.

Ҳақиқатан ҳам, Самарқанддаги ёдгорликда Амир Темур буюк салтанат тахтида султонлар султонига мос виқор ва салобат билан ўтирибди. Соҳибқироннинг қадди-қомати ҳам, савлатли чеҳраси ҳам унинг тоза насл-насабидан, тангри ярлақаган улуғ зот эканидан далолат беради.

Амир Темур ҳайкалларида эътиборга молик яна бир маъно ўз ифодасини топган. Соҳибқироннинг шафқат ва айни пайтда қатъият билан боқувчи нигоҳи унинг бепоён салтанатини қамраб олгандек, бу улкан ҳудуддаги барча халқлар ва элатларнинг аҳвол-руҳиясидан огоҳ бўлиб тургандек таассурот қолдиради. Гўёки бобокалонимиз: **«Мен бор эканман, менинг руҳим барҳаёт экан, эл-улусда омонлик ва фаровонлик мудом барқарор бўлғай, менким Амир Темур — тинчлик ва осойишталик кафилиман»**, деб тургандек.

Менинг назаримда, Соҳибқироннинг бу ҳайкаллари нафақат бадиий, балки катта маънавий-тарбиявий аҳамиятга эга, дея фикрини давом эттирди Президент. Амир Темур бобомизнинг бемисл шижоат, азму қарор ва ўктамлик фазилатлари намоён бўлган қиёфаси ёшларимизни, келажак авлодимизни буюк марраларга, эзгу, савобли ишларга руҳлантириши ва сафарбар этишига ишонаман.

Бу гўзал ва улуғвор обидаларни зиёрат қилганда гўёки Соҳибқироннинг дил садоси юракларимизда акс садо бераётгандек туюлади. «Авлодларим, унутманг: бизнинг номимизни топташга уринганлар, бизнинг миллатимизни, халқимизни камситмоқчи бўлганлар бугун завол топдилар, аксинча, кимки, бизнинг шаъну шавкатимизни, ҳақ ва халқ йўлида қилган хизматларимизни ёд этган бўлса, уларга Оллоҳнинг марҳамати ва зафарлар ёр бўлди ва ҳамиша ёр бўлгусидир. Зеро, бизнинг йўлимиз — адолат ва озодлик йўлидир, диёнат ва ҳақиқат - бизнинг дастуримиздир».

Бу сўзлар, ҳар биримизни Соҳибқиронга муносиб зурёдлар бўлишга даъват этади, деди пировардида юртбошимиз.

Чиндан ҳам, Амир Темурнинг юртимизда мағрур қад ростлаб турган улуғвор ҳайкаллари, халқимизнинг асрий орзулари, пок ва муқаддас ниятлари ушалганидан, дуои фотиҳалари ижобат бўлганидан яна бир бор далолат беради.

(ЎзА).

АФҒОНИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

Рейтер агентлигининг хабар беришича, гувоҳларнинг айтишларига қараганда Кобулдан 12 километр нарироқда жойлашган Ҳусаинкат қишлоғи оғир ракета-артиллерия зарбасига учраган. Кобул шимолроғидаги Каризмир қишлоғи қочоқларининг айтишича, толиблар уларнинг уйларини ёқиб юборишган, кўплаб аҳолини эса «ҳукумат кучларига тарафдор бўлганлиги» учун отиб ташлаганлар.

Афғонистон (Би-Би-Си). Аҳмад Шоҳ Маъсуд қўмондонлигидаги ҳукумат кучлари Кобул ёнида кенг қамровли қарши ҳужумга ўтишган.

Бундан аввал «Толибонлар» ҳукумат кучларининг Афғонистон пойтахтини «демилитаризация қилиш ҳақида»ги таклифини қабул қилмаган эдилар.

Афғонистон. (Франс-Пресс, 23 октябрь). Ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги мухолиф томонларнинг музокаралари бирон бир натижа бермади. Толиблар ҳукумат қўшинларини Кобул атрофидан мутлақо олиб чиқиб кетишларини талаб қиляпти. Ўз навбатида эса қўшинлар раҳбарияти ҳам толибларни шаҳарни ташлаб чиқиб кетишга ундамоқда. Бугун Маъсуд отрядлари қарши ҳужумни бошлашди. Кузатувчиларнинг таъкидлашларича, бу жангда Генерал Дўстум қўшинлари ҳам иштирок этмоқда.

Си-Эн-Эн агентлигининг хабар беришича, толибларга қарши курашаётган 155 нафар дала командирлари Кобулни штурм билан эгаллашни бошлаш ҳақидаги қарорни қабул қилишди. Бўлиб ўтган йиғилиш аввалида улар генерал Дўстумни Мудофаа Олий Кенгашининг янги Раиси этиб сайладилар.

Бугун эрталаб Аҳмад Шоҳ Маъсуд ҳукумат қўшинларига Афғонистон пойтахтининг шимолий қисмидан толибларнинг мудофаа позицияларига қарши кенг доирадаги ҳужумни бошлашга буйруқ берди. Пиёдалар ҳужуми кўплаб танклар, артиллерия ва ракета қурилмаларининг зарбалари ёрдамида қўллаб турилибди.

Picture: REUTERS

СУРАТДА: аёллар ва болалар отишмалардан қочиб бормоқдалар.

КЛИНТОН НАТОНИ КЕНГАЙТИРИШ ТАРАФДОРИ

АҚШ Президенти Билл Клинтон сайловолди кампанияси даврида Дейтройтда бўлиб, бўлажак НАТО аъзолари ҳақида фикр билдирди. Унинг таъкидлашича, 1999 йилда НАТОнинг 50 йиллик юбилейида ушбу альянсга собиқ Варшава блокидаги давлатларни янги аъзо сифатида қабул қилиши лозим. Клинтоннинг фикрича, Марказий ва Шарқий Европадаги бир қатор давлатлар шулар жумласига киради.

САЙЛОВДА ҒОЛИБ ЧИҚДИ

Албания Демократик партияси раҳбарияти вакилининг хабар қилишича, ушбу партия маҳаллий ҳокимият органларига бўлиб ўтган сайловларда ишончли ғалабани қўлга киритди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, демократлар номзоди сайловчиларнинг қарийб 55 фоиз овозига эга бўлди. Албанияда бўлиб ўтган ушбу сайловларда 25 та сиёсий партия вакиллари иштирок этдилар. Маҳаллий сайловлар якуний натижалари шу ҳафтанинг ўрталарида аниқ бўлади.

ҚАМОҚДАГИ «ҲАҚИҚАТ»

Обуна —97

«Маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий, устувор йўналиши деб ҳисоблансин».

(Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонидан)

20 октябрь куни соат 18 лар эди. Хева тумани далаларини айланаётиб, ал-Хоразмий номидаги жамоа хўжалиги бошқаруви биноси олдидан ўтдим. Шу вақт идора томондаги эшикдан 16-17 ёшлар чамасидаги бир йигитча чиқиб, олддаги асфальт йўлни кесиб ўта бошлади. Қарасам, йўл чеккасида уни тенгдоши кутиб турибди. Ёнбошида тилиниб-тешилиб кетган, «оқ олтин»га лиқ тўла иккита этак.

Кутиб турган бола ҳамроҳининг етиб келишигача сабри чидамай, қичқирди:

— Нега бўш келяпсан, «Ҳақиқат»ни топмадингми?

Ўтаётган бола хомуш, қисқа жавоб берди:

— Йўқ...

— «Маърифат»ни-чи?

— «Ҳақиқат» бўлмагач, «Маърифат» бўладими, қизиқ гапирасан?

— Нега энди?

— Нега бўларди, кеча айтувдим-ку сенга: «Маърифат» ҳам, «Адолат» ҳам, (жаҳли келиб) «Халқ сўзи»-ям главбухнинг сейфида — темир аржа[1]да қамоқда ётибди!

— Қамоқда?..

Антиқа суҳбат, беихтиёр, мени ҳам қизиқтириб қўйди. Болаларга яқинлашдим. Саломлашдик.

Қизиқувчанлик билан:

— Йигитлар, тилларингга тушунмадим, нима гап эди? — дедим.

—Ай, — деди ичкаридан чиқиб келган ўсмир, — икки ҳафтадан бери янги газета ўқий олмаяпмиз...

— Сен-ку, икки ҳафта дейсан. Мен эса, мана, бир ой бўлди, қўлимга ушламадим ўша рўзнома деганни, — куйиниб гапга аралашди иккинчиси.

Яна қизикдим:

— Нега энди беришмаяпти?

— Йиғим-терим мавсуми тамом бўлгач, ўқир эканмиз! Бизлар бекорчи эканмиз, идорага борсак, шунақа деб ҳайдаб солишади, — дея ҳалиги ўсмир тутақиб, пастдаги пахта тўла этакларга ишора қилди, — Қаранг лиқ тўла турибди. Кунига 45-50 килодан теряпмиз... Булар эса...

Мен болаларга маслаҳат бердим:

— Шунгаям ота ғўри қозихонами, бу жойда беришмаса, кутубхонага боринглар!

Иккинчи бола гапга аралашди:

— Кутубхонага? Пахта кунлари кутубхона бўладими, дойи? Қишлоқ шароитини билмайдигандай гапирасиз-а.

Сўнгра у ҳамроҳига ишора қилди:

— Кўтар пахтангни, қоронғу тушиб қопти, тарозибон кетиб қолмасин тағин!..

Болалар юкларини орқалаб, шошиб-пишиб жўнаб қолишди. Ичкари киришга тўғри келди. Бош ҳисобчи Қадам Хўжаев чўт қоқиб ўтирган экан. Газеталарни сўрадим.

— Бор, ҳаммаси бор, — дея ўрнидан секин туриб, хотиржам бориб темир аржани очди. Кейин «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Хоразм ҳақиқати» ва бошқа газеталарни қатлам-қатлам қилиб олдимдаги стол устига жойлади.

— Матбуот нашрларини ойлаб ҳайрон қолдим. Ўн олтинчи сентябрда келган рўзномалар қати бузилмай, яқингинада келтирилганлари эса қўл ҳам урилмай «иссиғида» турибди.

— Газеталар тахлами борми? — деб сўрадим.

— Ҳа, бор, кутубхонада!

Сўнгра биз Чинобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ж. Жуманиёзов билан бирга идора ёнидаги кутубхонага бордик. Кутубхоначи қиз Д. Қутлиевани уйидан чақиртириб, зиёхона эшигини очдик. Шинамгина жой. Лекин чанг босиб ётган газеталар тахламларига назар ташласангиз, ҳамма нарса аён бўлади-қолади. «Хоразм ҳақиқати», «Ўзбекистон овози», «Ҳалқ сўзи» рўзномалари айримларининг август, сентябрь сонидан бу ёғи йўқ. Қаердалигини, қайси «темир аржада»сақланаётганлигини худо билади.

Жаҳлимни ичимга ютиб, бош ҳисобчи ёнига келиб дедим:

— Матбуот нашрларини ойлаб сейфга солиб қўйишдан мақсад нима эди, Қадамбой ука? Буларни ўз вақтида обуначиларингизга тарқатсаларинг бўларди-ку?

Қадамбой одатдагича совуққон, вазмин жавоб берди:

—Ёшулли, ҳазил қиляпсизми, ахир пахта даврида?..

Ҳайрият, шу пайт хўжалик раиси Отабой Машарипов кириб қолди. Ундан умид кутиб, бор гапни тўкиб солдим. Раис эса бу гапларни менга айтяпсанми ёки деворгами, дегандай тураверди. Суҳбатга йўналиш бермоқчи бўлдим:

— Раис бува, ахир ўзингиз ҳам газета-журнал ўқирсиз, янгиликлардан хабар топарсиз... Мана, кеча Темурийлар тарихи Давлат музейи очилибди...

Бошлиқ истар-истамас оғиз очди:

— Тўғрисини айтсам, ҳафтаўн кун бўлдики, ҳеч нима ўқимадим...

Мулоқотдан маълум бўлдики, раҳбар умуман, шу йил ҳисобига бирон-бир бадиий ёки сиёсий китоб ўқимаган. «Маънавият, маърифат маркази» деган янгиликлар кўчасидан ўтмаган ҳам ҳатто!

— Буниси қандай бўлди энди?

....

... Ахир, раис бува, одамлар қирғинбарот уруш пайтларида ҳам жанг майдонларида, окопларда туриб бўлса-да, газета-журналларни ўқиганлар, Алишер Навоийнинг юбилей тўйини ўтказганлар!

Эрталабдан-кечгача иш билан бандман, дейсиз, далада ётибман, дейсиз. Лекин «Саъй-ҳаракатларингиз»нинг натижаси кўринмаяптику? Бу йил ғалла топшириш режасини барбод бердингиз. Пахта топшириш бўйича ҳам туман хўжаликлари ичида энг қолоғисиз. Айтганингиздай, кузги дон экиш ўлда-жўлда, ҳамма ишингиз пойма-пой кетяпти. Деҳқонларга икки йиллик иш ҳақини ҳам эплаб беролмаяпсиз, беш ярим миллион сўм қарздорсиз улардан. Чинобод қишлоғида истиқомат қилаётган 12 минг аҳолининг деярли ярми ишга яроқли кишилар бўлишига қарамасдан, улар билан умумий тил топиб, теримга сафарбар қилолмаяпсиз. Қўшни хўжаликлардан ибрат олинг: зарбдорчасига иш ташкил қиляптилар, вилоятда олдингилар сафида боряптилар, иқтисодни кўтаряптилар. Шу билан бирга маданий-маиший, тарбиявий тадбирларни ҳам биргаликда олиб боришга улгуришяпти. Сиз эса... Балки ана шу маънавий-маърифий тарбияга бефарқ бўлганлигингиз, бадиий, маданий, сиёсий ахборотларни назар-писанд қилмаганингиз сабабли, иш тизгинини қўлга ололмаётгандирсиз?

Маърифатни темир сандиқда сақлаб бўладими, раис бува?

Курбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

1. Аржа — арча сандиқ (шевада).

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА БИРИНЧИ

ТЎРТКЎЛ (телефон орқали). *«Мискин» ширкатлар уюшмаси Қорақалпоғистон Республикасида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарди. Давлатга 2285 тонна пахта топширилди.*

— Ватанга яна 300 тонна «оқ олтин» топширамиз. Шунда ҳосилдорлик 27 центнерга етади, — дейди ширкатлар уюшмаси раиси Ашир Худойбердиев.

МИЛЛАТНИНГ ДАРДЛАРИГА ДАРМОН БЎЛМОҚ ВАЗИФАНГИЗДИР,

Бундан уч йил бурун Тошкентнинг марказида Амир Темур ҳайкалини очганимизда, унинг юзида илоҳий нур зоҳир бўлгандай, у биз томонга таралгандай туюлганди.

Ислом КАРИМОВ.



Амир Темур хиёбони гўзал бир узук бўлса, бу музей шу узукнинг ёқут кўзидир.

Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

МАРОҚЛИ МАЪРУЗАЛАР

Тошкент Давлат университети қошидаги Олий педагогика институти жамоаси Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган илмий анжуман ва санъат арбоблари билан учрашувни Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик театри биносида ўтказди. Мулоқотда профессорлар Ш. Шаропов, Қ. Усмонов ва Р. Сангировлар дил сўзларини баён этдилар.

Тожиддин ҒАЙБУЛЛАЕВ.

ИЖОДИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Ўзбекистон Фанлар академияси Тилшунослик институтида буюк давлат арбоби, Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Бадиий адабиётда Соҳибқирон образи» мавзуида илмий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда олимлар, тилшунослар иштирок этишди.

Йиғилишни Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти директори, филология фанлари доктори Тўра Мирзаев кириш сўзи билан очди. «Ўзбек адабиётида Амир Темур образи» мавзуида филология фанлари доктори Бахтиёр Назаров нутқ сўзлади.

Ҳаммамизга маълумки, буюк бобомиз нафақат ўзбек адабиётида, балки жаҳон адабиётида ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Ҳозирда ҳам кўпгина хорижий мамлакатларда Амир Темур ижоди, фаолияти кенг ўрганилмоқда. Филология фанлари доктори Э. Каримов мана шулар ҳақида тўлқинланиб гапирди.

А. БОТИРОВ.

СОҲИБҚИРОН БОШ ЭГГАН

Муқаддас Қуръон мусҳафи тарихидан

Араб тилида нозил бўлган ва мусулмон оламининг ноёб илоҳий асари Қуръони Каримнинг биринчи, асл нусхаси қадимий куфий хати билан ёзилган. Оллоҳ ҳузурида мақбул бўлган дин — ислом динидир ва бу дин рукнлари пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом воситаларида нозил бўлган муқаддас китоб — Қуръони Каримда баён қилиб берилди, инсоният ақли ва қалбида мустаҳкам ўрнашди.

Муҳаммад пайғамбар ҳаёт даврида нозил қилинган сура ва оятлар (уларнинг сони мутаносибан 114 ва 6236 та) — асосан унинг сафдошлари — муҳофаза ва хотира қобилиятлари энг ўткир бўлган ансорлар томонидан дарҳол ёд қилиб олинган. Камроқ ҳолларда Қуръони Карим оятлари пальма баргларига, ялпоқ оқ тошларга, ёғочларга ёки қўйнинг курак суякларига ёзиб борилган. Бу ҳолатларнинг сабаби икки нарсадан келиб чиққан. Биринчидан, Жазираи Арабийяда яшовчи аҳолининг аксарияти саводсиз бўлган, иккинчидан, Қуръон оятлари нозил бўлиб турганлиги туфайли уларнинг таркибий номланиши ва тўғри имло қилиниши Расулуллоҳ томонидан назорат қилиб турилган. Қуръон оятлари мукаммал нозил бўлиб, ислом аҳлига етказилгани Расулуллоҳ вафотларидан маълум бўлган. Шундан сўнг Қуръон саҳифаларини жамлаб, тўлиқ бир китоб шаклида битиш иши бошланиб кетади. Дастлаб, биринчи барҳақ халифа Абу Бакр ас-Сиддиқ (632-634 йиллар), кейин эса халифа Усмон (644—656 йиллар) буйруқлари билан Қуръоннинг ҳамма тарқоқ қисмлари энг машҳур муҳаддис ва хаттотлар — Абдуллоҳ ибн Зубайр, Заид ибн Собит, Саид ибн Ос ёрдамида диққат билан тексирилади ва ягона матн берилиб ҳуснихат билан муқоваланган тўрт мусҳаф қилиб кўчирилади. Уларнинг бири халифа қўлида қолиб, қолганлари Дамашқ, Куф ва Басра шаҳарларига юборилади. Ўша пайтдан бошлаб ҳозирги даврга қадар қайта-қайта қўлёзма ёки тошбосма қилиб кўчирилиб, чоп этилаётган мусҳафи шарифларнинг ҳаммасига: «Мусҳафи Усмонга мувофиқ расмий хат билан кўчирилди» деган ибора ёзиб қўйилади.

Ўзбек халқининг улуғ маънавий неъмати шундан иборатки, машҳур мусҳафи Усмоний нусхаларидан бири Ватанимиз заминига етиб келган ва ҳозирги вақтда Соҳибқиронинг 660 йиллик санасига бағишлаб қуриб битказилган ҳашаматли Темурийлар тарихи давлат музейида сақланмоқда. Шуни айтиш жоизки, биздаги сақланаётган муқаддас китобни айнан халифа ҳазрати Усмон қўлида сақланган мусҳаф деб тан олишади, чунки ул зот ушбу Қуръонни мутолаа қилаётган пайтларида ўлдирилган бўлиб, унинг варақларида барҳақ халифа қонинг доғлари қолган. Бу эса мусҳафнинг мўмин-мусулмонлар учун маънавий тарихий қимматини ниҳоятда оширади.

Энди савол туғилади: қандай қилиб халифа Усмон мусҳаф-шарифи Мовароуннаҳр давлатига келиб қолган?

Бу масала бўйича иккита тахмин бор. Бири — ҳазрати Усмон Қуръони Самарқандга Ҳожа Аҳрор мадрасасидаги махсус хонада сақланиб келар эди ва катта тантаналарда у мўмин-муслимлар ибодатига қўйилар эди. 1868 йилда Самарқанд оғир жанглардан кейин босқинчи рус қўшинларига ўтди. Генерал Константин фон Кауфман муқаддас китобни Санкт-Петербургга юборди. Кўп ўтмасдан у Император оммавий кутубхонаси ҳисобига ўтди.

Жуда узоқ ва машаққатли хатти-ҳаракатлардан сўнг, Ўрта Осиё ўлкаси мусулмонларининг ўзлуксиз қатъий талаблари туфайли, ноёб маънавий мусҳафи шариф 1923 йил июль ойида ҳукумат қарори билан Тошкент шаҳрига келтирилади.

Мустақиллик шарофати билан, мазкур Қуръон нусхаси 1991 йилда давлат тасарруфидан чиқарилиб, мўмин-мусулмонлар ихтиёрига топширилди. Унинг нур йўлловчи, шифобахш абадий оятлари халқимизда имону-эътиқод, ахлоқ одоб, диёнат, ҳалоллик ҳис туйғуларини камол топтиришда беқиёс ўрин тутади.

Шуҳрат МАҲМУДБЕКОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

ХОРАЗМ. Урганч туманидаги Амир Темур номли жамоа хўжалигида буюк Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди. Олиму зиёлилар, оммавий ахборот воситалари, ХДП бошланғич партия ташкилотлари котиблари иштирокида бўлиб ўтган ушбу анжуманни ЎзХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Ғайрат Машарипов кириш сўзи билан очди.

Йиғилишда туман ҳокими Қадам Нуниёзов, Урганч давлат университети тарих факультети декани, тарих фанлари номзоди Озод Абдуллаев, тумандаги Оғаҳий номли мактаб директори Зулайҳо Бобожонова Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига доир, унинг Марказий Осиёда марказлашган давлатни барпо қилиш борасидаги саъй-ҳаракати ҳақида маърузалар қилдилар. Шунингдек, анжуманда Амир Темур номли жамоа хўжалиги раиси Жуманазар Отажонов хўжалик аҳлининг юбилей йилидаги режалари тўғрисида гапирди. Йиғилиш охирида Ўзбекистон ХДП янги аъзоларига партия билетлари топшириш маросими бўлди. Санъаткорлар ижросида катта концерт намойиш қилинди.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИЛМ ТАҲСИЛИДА ҒОФИЛ ТУРМАГАН

Илм таҳсилида ғофил турмаган Амир Темур мактабхона ва мадрасаларнинг истеъдодли ўқувчиси эди. Замоннинг машҳур олимлари Мавлоно Жалолиддин Румийнинг «Маснавий», Шайх Маҳмуд Шабустарийнинг «Гулшани роз» асарларини у севиб мутолаа қиларди. Айниқса, «Маснавий»ни чуқур ўрганиб, мавжуд динлар хусусида ўз нуқтаи назарининг чуқур таҳлилини беради: «Мен таассуб юзасидан эмас, балки далил юзасидан дини исломни барча динлардан юқори деб биламан. Исломнинг аҳком ва қонунларини мусавий (яҳудий), исавий (насроний) динларнинг қонунларига солиштириб кўрилса, Исломнинг олий мартабада эканлиги яққол кўриниб туради. Мусавий динида фақат дунёга таважжуҳ (юзланиш) бўлиб, ўлумдан сўнг ҳаёт йўқ, деб тушунадилар. Исавийлар эса фақат охиратга таважжуҳлари боғланиб, умури дунёвийга ҳеч қандай ўрун қўйилмаган. Дунёнинг ҳаёти ёлғиз бир ваҳм-хаёл деб эътиқод қиладурлар. Ислом қонунлари бўйича, пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг уммати исломиятга берган таълимотларида, дунё ва охиратнинг фикрида бўлмоқлик тавсия қилингандир».

Амир Темур ўз фаолиятида Шайх Саъдийнинг «Инсон дунёда токи тирик бор, сарват (бойлик) орттириш билан илм ўрганиши лозим, чунки нодонлар кишини мом-жоҳларини назарда тутуб эҳтиром қилади, оқилу донолар эса инсонни илм ва ҳунари юзасидан эҳтиром вожиб деб билади» деган ажойиб фикрига тўла амал қилганлигини кўрамиз. Одамлар қалбининг зийрак билимдони бўлган Амир Темур машҳур олиму фузалолар, қомусий мутафаккирлар билан бемалол беллаша олади, яъни улар қарашларидаги ютуқ ва камчиликларни таҳлил қила оларди. Замонасининг донишманди ва мутафаккири «қозилар қозиси», билимдон закий ва ростгўй адиблардан ҳисобланган тарихнавис Валиудин Абдураҳмон ибн Халдун Моликий (Ибн Халдун) ундаги билимдонлик, инсон подшоҳлигини улуғлаб, Соҳибқирон билими доирасининг кенглиги, зийрак ва зукко донишманд эканлигидан ҳайратга тушганлигини «ваҳийдан баҳраманд»ли, илму амалда тенгсиз, шон-шавкат тарихидаги буюк салтанат соҳиби деб баҳолайди, Амир Темур билан бирга ўтган вақтини «ҳаётимнинг энг азизи, (эришган) мартабамнинг энг олийси, ҳолатимнинг энг шарафлиси деб ҳисоблайман» деб ёзади.

Олимларга меҳрибон, саййиду шарифларни ўзига яқин тутган Амир Темур уламо ва фозилларга тўла-тўкис иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан батамом муқаддам кўрарди. Ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, ўз иқрому ҳурматини унга изҳор этарди. Уларга нисбатан ўз муруввати бисотини ёрдики, бу муруввати унинг ҳайбати билан аралаш эди. Улар билан мазмунли баҳс ҳам юритар эдики, бу баҳсида инсофу ҳишмат бўларди. Бир сўз билан айтганда, у ҳар қандай ҳунар ва касб эгасига фазилати шарофатига қараб меҳр қўярди, табиатан масхарабоз шоирларни ёқтирмас, мунажжим, табибларни ўзига яқин тутар, уларнинг гапларига эътибор қилар ва сўзларини тинглар эди. Амир Темур астрономиянинг шаклланиши ва уни асослашга хизмат қилган юлдузшунослик (ахтаршунослик) фани орқали вақтни белгилаш, йўл йўналишини аниқлаш учун ҳарбий ва савдо-сотиқ каби амалий ишларни бажаришда кенг фойдаланганлигини айтиш мумкин.

Шу нарса аниқки, Амир Темур илму фан ривожига улкан ҳисса қўшган, олиму фузалоларга раҳнамолик қилган, илмий изланиш истиқболини қўллаб-қувватлаган буюк инсон эди.

Ўткир ҲАЙДАРОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор.
Мансур БЕКМУРОДОВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент.

НИШОНА СОНИ ЧИҚДИ

Халқаро Амир Темур жамғармаси газетаси — «Соҳибқирон юлдузи»нинг нишона сони бобомиз юбилейи арафаси кунлари босмадан чиқди. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси ижодий гуруҳи томонидан тайёрланган газета байрамона кўриниш касб этиб, унинг саҳифалари рангли тасвирда чиқарилган. Халқаро Амир Темур жамғармаси бошқаруви раиси, академик Бўрибой Аҳмедовнинг «Эътироф» мақоласи Соҳибқиронга бўлган аввалги ва бугунги муносабат ҳақида ҳикоя қилади. Амир Темур ҳақида жаҳоннинг кўзга кўринган арбоблари ва адиблари билдирган фикрлар ҳам шу сонда берилган. Шунингдек, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларидаги бобомизга дахлдор ёдгорликлар ҳақида муфассал ҳикоя қилинади.

Нишона сони ушбу газета Амир Темурнинг бой мероси ҳақида халқимизга ҳикоя қилишга бел боғлаганидан дарак беради.

ОЛАМ ҲАЙРАТЛАНАР...

Мухбиримиз таниқли ўзбек олими, тарихчи ва меъмор Пўлат ЗОҲИДОВга: «Дунёнинг қайси мамлакатида Амир Темурга тегишли бўлган, ундан ажойиб хотира бўлиб турган қандай осори-атиқалар бор? Сизнинг назарингизда, уларнинг энг муҳимлари қайсилари ва улар қандай аҳамиятга эга?» — деган савол билан мурожаат қилди ва ундан қуйидагиларни ёзиб олди:

— АҚШнинг Вашингтон шаҳридаги Метрополитен музейида Соҳибқиронга тегишли тилла узук-муҳр бор. Жуда қимматбаҳо! Унга куфий ёзувда битиклар битилган. Узук-муҳрнинг тақиладиган ерининг диаметри (ички томони) — 25 миллиметр. Одатда ўртача, борингки, энг йирик, бақувват одамнинг бармоғига тушадиган узукнинг диаметри 20-22 миллиметрдан ошмайди. Бобомизники эса — 25 мм! Ана энди Соҳибқироннинг бармоқларини, бақувват ва забардаст қўлларини, тўла гавдасини тасаввур қилаверинг!

Манбалардан маълумки, Амир Темур ниҳоятда ораста, элпарвар одам бўлган, кўплаб боғ барпо қилган. Ҳозирги пайтда ўша боғлар қайта тикланаётганлиги жуда ибратли. Нафақат боғлару биноларни, балки ўша биноларнинг ичида зеб бўлиб турган кўшклар ҳам биз учун жуда муҳим. Самарқанд шаҳридаги «Ишратхона» номи билан юритиб келинган бино асли Темур замонасида «Кўшки Дилкушо» деб аталган. Туркиянинг машҳур «Тўпқопи»сида кўшклар, саройлар, кошоналар бор. Уларда ҳам Амир Темур даврининг нафаси сезилади. Испания қиролининг элчиси Клавихо ўз асарида Соҳибқирон даврида лашкарларга хизмат қилган кўчма уйлар, кўчма масжид, кўчма саройлар ҳақида ёзиб қолдирган. Буларни ўрганиш ҳам, қайта тиклаш ҳам жуда зарур, жуда муҳим. Ахир улуғ бобомиз Шаҳрисабздаги машҳур Оқсаройга: «Агар бизнинг валоятимиз (валийлигимиз) ва карорматимизга шубҳанг бўлса, қурган иморатларимизга қарагин», — деб ёздиргани бежиз эмас. Демак, Соҳибқирон бобомиз ҳаётига, фаолиятига, ҳарбий санъатига тегишли ҳар бир бино, иншоот, бино, ҳар бир ашё ҳозир биз учун муҳим.

Яна бир гап. Амир Темурнинг пири — машҳур аллома — Зайниддин Абубакр Тойбодийнинг муқаддас қабри Эронда, Тойбод шаҳрида Қабр тепасига Соҳибқироннинг ўғли Шоҳруҳ Мирзо ўз даврида катта масжид тиклаб берган. Ҳозир ҳам ўша масжид бор, муслимларга хизмат қилиб турибди. Ўтган йили Бобур ўтган йўллар бўйлаб экспедиция уюштирилганда, камина ҳам бор эдим, ўша масжидни кўриб, тиловат қилиб келдик. Такрорлайман, ер юзидаги Соҳибқирон руҳини ёдлатиб турган, оламни ҳайратга солаётган ҳар бир нарсани ўрганиш — биз, авлодлар учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Музаффар АҲМАД ёзиб олди.

АДОЛАТ ВА ОЗОДЛИК – ДАСТУРИНГИЗ, РАҲБАРИНГИЗ БЎЛСИН!

660

Амир ТЕМУР.

Ҳамид ҒУЛОМ
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

АЖДОДЛАРИ УЛУҒ ХАЛҚ

Давлатпаноҳ бўлмоқ осонмас асло,
Унга тоғдек метин суянчиқ керак.
Юлдузларин ўнглар ботирга само,
Унга Аллоҳ бермиш арслондек юрак.

Туронда ўрнатди азму адолат,
Давлатнинг муҳридир шоҳлик узуги.
Боқий истиқлолдан якто адолат
Улуғ Соҳибқирон Темур тузуги.

Искандар мабодо замондош бўлса,
Мутеъ шогирд каби ушлаб ёқасин,
Устоз этигидан оларди бўса,
Темур тулпорининг ўпиб тақасин.

Ўрмонлардан ўтган чоғда шаҳаншоҳ,
Термулиб, таъзимда турган кийиклар.
Унинг каломидан ҳамиша огоҳ
Курра бўйлаб ҳушёр юрган буюклар.

Оҳ, сен Бибихоним, Соҳибқироннинг
Машриқда ягона кўзи сузуги!
Сенинг меҳринг билан ёруғ жаҳоннинг
Уфқини ёритди Темур тузуги.

Чўнг Турон заминда Темур бободан
Бизга мерос бўлиб давлати қолди.
Инсон инсон бўлиб ўтсин дунёдан —
Васияти қолди, шавкати қолди.

Эй, шонли Ватаним — Ўзбекистоним,
Темур руҳи-поки сендан шод бўлсин.
Мустақил давлатим — шарафим, шоним,
Умринг боқий, бахтинг умрбод бўлсин!

Кавсар ТУРДИЕВА

ТЕМУРИЙ МАЛИКАЛАРИМ

Ғам ва шодлик баробар бўлиб,
Дам сарой, дам хароба бўлиб,
Бу умр бир ароба бўлиб,
Йўлда кечган таҳликаларим,
Сиз темурий маликаларим.

Боғишамол қолдими ёдгор,
Нечун Беҳишт турибди бедор,
Бибихоним бўзлайдими зор?
Тополмайин чин бекаларин,
Сиз темурий маликаларин.

Ичганингиз заҳарми, шарбат,
Олганингиз қарғишми, раҳмат,
Кўрганингиз дўзахми, жаннат?
Қалбда биттан тазкираларим,
Сиз темурий маликаларим.

Қабрингизда майсалар унди,
Ким тарихга найзалар урди,
Гоҳ қайчилаб гоҳ қора сурди,
Бир йироқлаб сўнг келганларим,
Сиз темурий маликаларим.

Тинчи кетган Соҳибқироним,
Қалбдан қалқиб кетди Туроним,
Чирқиради Сароймулкхоним,
Ким ёзаркин дард чигалларин,
Сиз темурий маликаларин.

Тоғ бошидан кўчкилар жилар,
Сочингизга сочқилар илар,
Ким билмагай бировлар билар,
Қалбингиздан не кечганларин
Сиз темурий маликаларин.

Аёлларга аёллар издош,
Бу йўлларга урилганда бош,
Қайси момиқ, қайси айтинг тош?
Жавоб беринг ким, негаларим,
Сиз темурий маликаларим!

Бағри кенглик Кўрагонга хос,
Бизга шу юрт қолгандир мерос,
Қиз — аёли маликага мос,
Билмаганим ва билганларим,
Сиз темурий маликаларим.

Маликами ёки паризод,
Сиз шукуҳли, ғурурли авлод,
Бор экансиз эл қадди шамшод,
Гул, нурафшон қалб эгаларим,
Сиз темурий маликаларим.

Мағжон ЖУМАБОЕВ.
(1893 — 1938).

СОҲИБҚИРОН СЎЗИ

Жаҳон деган не нарса?—
Кафтдайгина ердир у.
Кафтдай ернинг тангриси
Кўп бўлмоғи — кўп қайғу.

Тангри — кўкнинг тангриси,
Кунгрансин, кўкни бийласин.
Жаҳон шоҳи — Темурман,
Бу ерга ҳеч ким тегмасин.

Кўк тангриси — Тангрининг
Уруғи йўқ, зоти йўқ.
Жаҳон шоҳи — Темурнинг
Уруғи-турк, зоти-ўт!..

1922 йил, Тошкент.

Қозоқчадан
Музаффар АҲМАД таржимаси.

АМИР ТЕМУР УКРАИНАДА

Асримизнинг 60-йиллари охирларида академик Иброҳим Мўминовнинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги ўрни ва роли» номли китобининг чоп этилиши ўзбек халқини тўлқинлантириб, ғурурига ғурур қўшиб юборганди. Асар Ўзбекистондан ташқарида ҳам катта қизиқиш уйғотиб, бошқа республикалардан Амир Темурга оид маълумотлар бизга келиб турар, улар билан шуғулланишни эса Иброҳим Мўминов каминага юклагандилар. 1969 йилнинг апрель ойида мен Львов расмлар кўргазмасининг мудири Б. Возницкий имзоси чекилган қуйидаги хатни олдим: «Сизнинг 1969 йил 19 март куни 178 рақамли хатингизга жавобан Львов расмлар кўргазмаси Станислав Хлебовскийнинг «Боязид Темур тутқинлигида» расмининг (1878 йил, мато, мой бўёқ, 70x112, рақами Ж-922) фотонусхасини юбормоқда».



Афсуски, ушбу расм фотонусхасини ўша пайтдаёқ чоп этишнинг иложи бўлмаганди. Шубҳасиз, рассом Станислав Хлебовский Амир Темурнинг Султон Боязид билан жангининг тарихий тафсилотларини Европа адабиётларига суяниб ўрганган ва бундан руҳланган ҳам табиий.

Ҳукмингизга ҳавола қилинаётган фотонусха ҳам шу жиҳатдан ниҳоятда диққатга сазовордир. Уни ўзбек ва украин халқларининг ўзаро дўстликлари ва бир-бировлари маданият ва ўтмиш тарихларига катта ҳурмат кўзи билан қарашларининг бир намунаси дейилса муболаға бўлмайди.

Ҳамид ЗИЁЕВ,
профессор.

ЁЗИЛГАН НАРСА АВЛОДЛАР ХОТИРАСИДА ҚИЛИНГАН ИШДАН ҲАМ УЗОҚРОҚ ЯШАЙДИ

Ҳазрат ўгитларидан

• Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши, минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

• Ғаним лашкарини енгиш қўшинини кўплиги билан эмас, мағлуб-бўлиш эса сипоҳининг камлигидан бўлмайди. Балки ғолиб бўлмоқлик (тангрининг) мадади ва бандасининг тадбири биландир.

• Ғафлат ишнинг қандай якунланиши тақдир пардаси ортида яширин бўлса ҳам, ақли расо ва ҳушёр кишилардан кенгашу тадбир ислаб, фикрларини билмоқ лозимдир.

• Бир ишга киришмай туриб, ундан қутулиб қиқиш йўлларини мўлжаллаб кўй.

• Қилмоқни бўлган ишларини қилмасдан қолдирмасинлар. Агар бирор ишни қилмасликка сўз берар эканлар, якунига ҳам йўламасинлар. Хотирдан чиқмасинким, Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди.

• Бирон ишни қилмоқни бўлсам, кенгашиб олиб, кейин Қурғондан фол оғардим ва Қурғон ҳукми билан иш қилур эдим.

• Юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга оширши мумкин.

• Ҳар мамлакатга шайхулислом юбордимки, токи мусулмонларни гуноҳ ишлардан қайтариб, уларни яхши ва савоб ишларга ундасин.

• Адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан розн қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққонийлик юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишларим билан одамлар кўнглидан ўсиб олдим.

• Шижоатли кишиларни дўст тут, токи Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди.

• Уламо билан суҳбатда бўл ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпин. Булларнинг ҳимматалридан улуғ тиланиб, муборак нафасларн билан дуофотиҳа беришларини илтимос қил.

• Ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомала қилмадим ва ҳеч бир ишда танглик қилмадим, токи Тангри таоллонинг ғазабига дучор бўлмайин ва ишимни бузиб, ҳолимни танг ағдармасин деб.

• Раиятнинг аҳволидан огоҳ бўлдим, уларнинг ота қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим.

• Ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолисининг ашроф-ўруғлари ва бузуқларн билан ошна тутиндим. Уларнинг мижозларига, табиатига тўғри келган, ўзларн тилаган одамларини уларга ҳоким қилиб тайинладим.

• Ҳокимлар, сипоҳ ва раиятдан қайси бирининг халққа жабр-зулми етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан ғора кўрдим.

• Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларга эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату иқром кўрсатдим.

• Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, ҳонақолар қурдим, мусофир йўловчилар учун йўл устига работлар бино қилдим, дарёлар устига кўприклар қурдим бунёдим.

• Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат аҳкомлари ва ислом дини илмлари: тафсир, ҳадис, фиқҳдан дарс берганлар деб, ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим.

• Ёлғиз юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим.

• Султон ҳар нафсада адолатпеша ўлсин, қошида инсофли, адолатли вазирлар сақласин, токи подшоҳ зулм қилгудек бўлса, одил вазир унинг ғорасини топсин. Агарда вазир золим бўлса, кўп вақт ўтмай салтанат ўзи қулайди.

• Яхшини — ёмон кунда сина.

• Агар подшоҳ золим бўлиб, вазири одил бўлса подшоҳнинг жабр-зулмини (тўхтатиш) ғора-тадбирини кўради. Лекин вазир золим бўлса, салтанат ишлари тез муддатда парокандаликка учрайди.

Амир Темурнинг тарихий хизмати яна шундан иборатки, унинг ҳаракатлари туфайли Осиё ва Европа давлатлари тарихда биринчи марта ягона жуғрофий-сиёсий маконда эканликларини ҳис этди.

Ислом КАРИМОВ.

ИФТИХОР ТИМСОЛИ

ТОҲИР АСЛАМ ГОРА

Покистон ёзувчиси, ношир. «Гора паблишарс» нашриёти бошлиғи. Халқаро Амир Темур фондининг Умумпокистон бўлими раиси.



Савол: — Жаноб Тоҳир Аслам, Сиз Ўзбекистонимизда кўп маротаба бўлгансиз. Ўз таассуротларингизни матбуотда эълон қилгансиз. Яна шуни биламизки, ўзбек адибларининг асарлари билан бирга Покистонда кенг тарқалиб кетган «Ўзбекча-урдуча муштарак сўзлар» китобини ҳам босиб чиқаргансиз... Мана, Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг қутлуғ тўйи арафасида яна меҳмонимизсиз. Тошкентдан олган таассуротларингиз ҳақида гапириб берсангиз.

Жавоб: — Бу улуғ сана арафасида Тошкентда жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилганини кўриб ҳайратланиб ўтирибман. Бу албатта Темурдай буюк зотга нисбатан катта ҳурмат ва ўз авлод-аждодлари билан ғурурлана билиш нишонасидир. Бизнинг Покистонда ҳам Амир Темур номи машҳур. Унинг буюк саркарда, қолаверса донишманд давлат арбобилиги ҳақида кўплаб илмий асарлар, бадиий китоблар битилган. Шулардан бири кекса романнавис Олмоснинг 2 томли «Амир Темур Кўрагоний» романидир. Уни нашриётимиз яқинда босиб чиқарди ва тезда қўлма-қўл бўлиб кетди. Мана шунинг ўзи Амир Темур бизнинг Покистонда қай даражада машҳурлигини исботлаб турибди.

Савол: — Соҳибқироннинг 660 йиллиги муносабати билан Покистонда амалга оширилган тадбирлар ҳақида гапириб берсангиз.

Жавоб: — Покистоннинг энг катта Олий ўқув юртларидан саналмиш Лаҳор университетида мамлакатнинг ўнлаб тарихнавис олимлари иштирокида буюк саркардага бағишланган иккита конференция ва икки илмий анжуман ўтказилди... Унда Соҳибқироннинг буюк арбоб, саркарда ҳамда тадбиркор сиёсатдон эканлиги ҳар жиҳатдан таъкидлаб ўтилди.

Савол: — Бу қутлуғ сана муносабати билан Сиз бошлиқ «Гора паблишарс» нашриётингиз томонидан амалга оширилаётган ишлардан хабаримиз бор. Кейинги пайтларда Олмоснинг буюк саркарда ҳақидаги 2 жилдли романидан ташқари яна қандай асарларни босишни режалаштиргансиз?

Жавоб: — Оврупонинг машҳур тарихнавис адиби Харалд Ламнинг Амир Темур ҳақида машҳур романи бор. Шу асарни таржима қилиб, куни кеча босмадан чиқардик. Яна болалар учун Амир Темурнинг ёшлиги ҳақида Ахтар Ҳусайн Шайх ҳам ажойиб китоб ёзиб берди. Уни ҳозир босиб чиқаришга тайёргарлик кўрмоқдамиз... Яна ниятим Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темур» романини урду тилида чиқаришдир.

БЕНАЗИР ВА УЛУҒВОР СИЙМО

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги тантаналари арафасида «Жаҳон» Ахборот агентлигининг Қоҳирадаги мухбири Раҳимжон ҚОДИРОВ Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси, Иордания подшоҳлиги академиясининг ҳақиқий аъзоси, Абу Али ибн Сино номидаги халқаро мукофот лауреати Шамсуддин БОБОХОНОВга мурожаат этиб, буюк аждодимизнинг башарият тарихида тутган ўрни ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Амир Темур башарият тарихида йирик давлат арбоби, моҳир саркарда, Туркистон шаънини янада улуғлаган, илм ва фан ривожига ҳамда инсониятнинг маданиятига улкан ҳисса қўшган буюк инсон сифатида из қолдирди.

Амир Темур буюк лашкарбоши сифатида мукаммал, яхши қуролланган, тезкор ҳужум қилишга қодир, муайян тактика ва стратегияга эга бўлган қудратли армияга асос солди. Бу армия ўнлик, юзлик, минглик ва туманликларга бўлинган эди. Соҳибқироннинг ҳарбий санъати кўп мамлакатларда, жумладан, Франция, Россия ва бошқа мамлакатларнинг ҳарбий академияларида махсус ўрганиб келинади.

Маълумки, Амир Темур нафақат ўз мамлакатини, балки фатҳ этилган, урушлар давомида вайрон қилинган ўзга ўлкаларни ҳам обод қилиш учун катта куч ва ғайрат сарфлаган. Шамсуддин Сомийнинг «Ал-Аълом» қомусининг «Темур» бандида Амир Темурнинг ўзи олим бўлгани, уламоларнинг раҳнамоси, уларни яхши ишларга рағбатлантирувчи шахс эканлиги зикр этилган ва ўз пойтахти Самарқандни катта ғайрат билан обод қилиб, у ерда қатор мадраса, кутубхона ва маданият саройларини барпо этгани, «Тузуклар» номи билан асар ёзиб, турли қонунлар яратгани, ўз таржимаи ҳолини ҳам адабий чиғатой тилида ёзганини таъкидлайди.

Машҳур тарихий асарлар ва сафарномалар муаллифлари ҳисобланмиш Низомиддин Аш-Шомий ва Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» китобларида, Хондамирнинг «Ҳабибус сияр», Ҳофиз Абрунинг «Зубдатут таворих» ва унинг иловаси ҳисобланмиш «Жомиъ ут-таворих» (Рашиддин Фадлуллоҳ асари), Камолиддин Абдураззоқ Ас-Самарқандийнинг «Матлаус-саъдайн ва мажмаул баҳрайн», Ибн Халдуннинг «Ал-ибар ва девонул — мубтада вал-хабар», йирик Эрон тарихчиси Аббос Иқболнинг «Тарихе муфассале Эрон», Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома» ва айниқса, Испания элчиси Клавихонинг «Темур ва унинг саройи ҳақида»ги китобида ва бошқа асарларда Амир Темур ҳақида сўз кетганда уни ҳурмат билан тилга оладилар.

Амир Темур 72 йил 1 ой ва 18 кун умр кўриб, ундан 36 та фарзанд ва набира зурриёт қолди. Уларнинг аксарияти улуғ боболари каби шерюрак фарзандлар ва набиралар бўлиб, тақводорлик, илм ва уламолар, фан ва маданиятга муҳаббат руҳида тарбияланган эдилар.

Шу кунларда Амир Темурнинг ўлмас қадриятини тиклаш, беназир шахсиятини абадийлаштириш борасида амалга оширилаётган буюк ишлар унинг вориси бўлмиш ўзбек халқининг Соҳибқиронга чуқур ҳурмати ва эъзози белгисидир.

Қоҳира шаҳри.

Истиқлол ва адолат

СУД КАМПИРНИ ОҚЛАДИ

Давлатимизда жуда кўп ўзгаришлар рўй бермоқда. Кўпгина қонунлар қабул қилинди. Жамиятимизнинг барча аъзолари қонунларни ўрганиб, уларга риоя қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш йўлларини ўрганмоқдалар.

Президентимиз ўзининг Олий Мажлис тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида «Халқ судни фақат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган деб эмас, аксинча уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қиладиган орган деб билиши керак» деб айтган эди. Бу гап ҳақиқат бўлиб, биринчидан, судлар фаолиятида баъзи тўсқинликлар бўлган. Иккинчидан, судлар ҳам ўз фаолиятларини эркин амалга оширолмасдан қонунлар устуворлигини таъминламаганлар.

Мустақиллик меваси ўлароқ 1993 йил 2 сентябрда «Судлар тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниб, унда суд органларининг фаолияти кенг ёритилгандир.

Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислоҳотларнинг асосий мақсади суднинг алоҳида ва мустақил жамият тармоғи сифатидаги мавқеини қайта тиклаш ғояси бўлди. Суд ҳокимиятининг янги тармоқлари яратилди. Унинг ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Лекин тан олмоқ керакки, ҳали-ҳануз суд идоралари ва бинолари талаб даражасида эмас. Суд ходимларига ҳам, идораларга келганларга ҳам барча шароитларни яратиб бериш, уларни замонавий техникалар билан таъминлаш оқсаяпти.

Судларда қатнашаётган халқ маслаҳатчилари масаласини ҳам қайта кўриб чиқиш пайти келди. Ҳозирда 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазо-чораси кўзда тутилган жиноят ишлари якка тартибда кўрилади. Менимча, 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазо чораси кўрсатилган ишларни ҳам якка тартибда кўриш амалиётини жорий этиш лозим.

Халқ маслаҳатчилари билан ишлашда бирмунча қийинчиликлар туғилмоқда. Биринчидан, иш ўринлари камлиги важлари билан ташкилот, корхона ва муассаса раҳбарлари халқ маслаҳатчилари танлашга имкони борича қаршилик қиладилар. Иккинчидан, тушунчаси кенгроқ, билимдон ва ҳаётий тажрибаси бор ходимларни кўрсатмасдан тажрибасиз ёки узоқдан қатнаб ишловчиларни, номига бўлса-да, сайлаб қўядилар. Табиийки, бундай шахслар чақирилганда суд ишларини ташкиллаштиришда бирмунча қийинчиликлар юз беради.

Ер юзи аҳолисини ташвишга солаётган, оғир жиноятларга ундаётган наркотик моддалар, айниқса, уларни сотиш ва ўтказиш билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан муросасиз кураш олиб бориб, қонунда кўзда тутилган оғир жазоларни қўлламоқдамиз. Эҳтиётсизликдан, тасодифан жиноят содир қилиб қўйган, кекса, хотин-қизлар ва ёш болаларга нисбатан жиноят ишлари эса судда кўрилишида биринчи марта уларни қайта тарбиялаш ва жамиятдан ажратмаслик чоралари кўрилмоқда. Нотўғри айбланган шахслар эса айбсиз деб топилмоқда.

Баҳористон туман ички ишлар бўлими ходимлари томонидан 64 ёшли, 3-синф маълумоти бор, нафақахўр Имомова Салби уйида қонунсиз қурол, яъни ов милтиғини сақлаганликда ЎзР ЖК-нинг 248-моддаси I-қисми билан айбланиб жиноят иши судга берилган.

Судда аниқланишича Имомова Салби кўп йиллар Худойқулов Жума билан турмуш қуриб келиб ўрталарида 6 нафар болалари бўлган. Охирги 4-5 йилларда турмуш ўртоғи Худойқулов оғир бетоб бўлиб қолган ва 1995 йил 15 ноябрда вафот этган. Худойқулов ҳаёт даврида тайёрлов идораларида ишлаган ва текис стволлик ов милтиғини сотиб олиб уни тегишли жойдан расмийлаштириб ҳатто овчилар жамиятига ҳам аъзо бўлган. Кейинги пайтлар тушунмаслик ва касаллиги туфайли аъзолик бадалларини тўламаган. У вафот этганидан сўнг, табиийки, милтиқ сандиқда қолиб кетган.

1996 йил 13 февраль куни участка нозири Имомовадан «эрингиздан милтиқ қолганми?» деб сўрайди. Кампир «ҳа» деб ўз ихтиёри билан милтиқни чиқариб беради. Дарҳол Худойқуловнинг катта ўғли Ш. Худойбердиевга нисбатан жиноят иш қўзғатилиб кейинчалик эса у бекор қилинади. Эрининг вафотидан сўнг Имомова Салби ов милтиғини қонунсиз сақлаганликда айбланиб, жиноят иши судга юборилган.

Қонунларимиз ўта адолатлидир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1996 йил 27 февралги «Қонунга хилоф равишда қуролга эгалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарорининг 13-бандида судлар қурол ва ўқ дориларни сақлаш тўғрисидаги ишларни кўришда ушбу жиноят таркибининг фақат расмий, яъни сақлаш фактининг ўзидангина келиб чиқмасдан, бунда қурол ва ўқ дориларни сақлаётган шахснинг ижтимоий хавфли томони бўлмаса, жиноят ҳисобланмаслиги кўрсатилган. Биринчидан, Имомова Салби ижтимоий хавфли шахс эмас. Иккинчидан, турмуш ўртоғига тегишли ов милтиғи учун у айбдор ҳисобланмайди.

Баҳористон туман суди ишнинг барча ҳолатларини атрофлича муҳокама қилиб, Имомовани оқлаш тўғрисида ҳукм чиқарди. Вилоят суди ишни прокурор протести билан бирга кўриб, туман судининг оқлов ҳукмини қонуний деб топди. Бу ерда гап Имомовани суд йўли билан, енгилроқ бўлса-да, жазолашда эмас, балки шахс содир этмаган жинояти учун асоссиз судланишида кетмоқда.

Бундан чиқадиган хулоса шуки суд фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган орган даражасига етди.

Қурбон НУРМАТОВ,
Қашқадарё вилоят судининг раиси.

ТАДБИРКОРЛАР МАКТАБИ

ҚАШҚАДАРЁ. Республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаб, хусусан қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш, ёш иқтидорларни тайёрлаш мақсадида туман, вилоят бўлимлари фаолиятини такомиллаштиряпти.

Жамғарманинг Шаҳрисабздаги бўлими биносида очилган ёш тадбиркорлар мактаби — «Бизнес — инкубатори» шу эзгу мақсадга хизмат қилади. Тадбиркорлар ҳозирги замон тижорати, бизнес, кичик корхоналар қуриш каби керакли малакаларни эгаллайдилар.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Шунақасиям бўлади

НАФСОНИЯТ УСТУН КЕЛДИ

ГЕРМАНИЯ. Уртача вазнли боксёр Хорест Эрдл ўйиннинг асосий қисмини рингнинг бурчагида — мудофаада ўтказди. Рақиби Йоханнес Утмур эса кучли зарбалар билан «қимирлашга» қўймас, аямай «саваларди».

Утмур унинг устидан 6 раундда 11 та нокдаунга эришиб, қули баланд келиб турарди. Ҳатто боқиш Хорест охирги зарбадан канатдан «учиб» чиқишига бир баҳя қолганди... Шунда кутилмаган воқеа рўй берди. Ахир ўзиям рақиби уни яхшилаб тушуриб, сўнг «қалайсан?» дегандек истеҳзо билан қош қоқди-да!

Эрдл 7 раундни бошлади... Рақибига чунонам зарба бердики, галаба нашидасини суриш арафасида арши аълода учиб юрган «голиб» визиллаб ерга тушди. Кўзидан ут чақнаб кетди.

Хорест уни бир зарба билан нокаут қилди. Қизиқувчилар ундан «жасорат сири»ни сўраштанда: «Ўзи нега мени мазах қилади?», — деди голиб бироз ижирганиб.

Нафсониятдан кучлиси йўқ асли одамга. Йўқса, боксёр 11 та нокдаунда «гиқ» этмаганди-ку?! Ҳар қандай куч инсон ғурури, нафсониятидан устун бўлолмайди.

Биз шундай халқмиз

ЧАК НОРРИСНИНГ ЎЗБЕКЧА ДЎППИСИ

Биз уни киноларда кўрганмиз. Машҳур спортчилар ҳақидаги гурунгларда номини эшитганмиз. Ҳавасимиз келган. Ҳатто болаликнинг кичик давраларида ўзимизнинг «Брус Ли»миз, «Ван Дамм»имиз, «Чак Норрис»ларимиз бўлганиям рост. Лекин Ўзбекистонда, довруғи етти иқлимга етган ана шу спортчини кўрган, яқиндан биладиган ҳамюртларимиз бор десак, ҳайратга тушманг. Ана шундайлардан бири Хўжамқул Хўжақулов. Каратэ бўйича IV ДАН, «қора белбоғ» соҳиби.

ЎЗИНИНГ ҲИКОЯСИ:

— Шу йилнинг июль ойи эди. Американинг Лас-Вегас шаҳридан таклифнома келди. Чак Норрис ўзининг навбатдаги Халқаро турнирини ўтказаётган экан. Ўзбекистондан етти нафар спортчи қатнашишимиз лозим эди. Бу турнирнинг тартиби гаройиб. Аввало рингга чиқишдан олдин имтиҳондан ўтилади. Каратэнинг ҳамма усуллари бўйича махсус синовлардан ўтганларгина беллашувга қўйилади. Фақат менга омад кулди. Муваффақиятли ўтдим. Қолган дўстларим меҳмон сифатида қатнашди.

Уч марта қурашга тушдим. Дастлаб мексикалик рақибимни соф галаба билан енгдим. Кейин аризуналикни. Ниҳоят, америкалик Кумита билан бўлган шиддатли «олишув»да 5:2 ҳисобида ютқазиб қўйдим. У 75 килограммлик вазн тоифасида мени енгиб, мутлақ чемпион бўлди. Менга иккинчи ўрин насиб этди...

Олти юзга яқин спортчи қатнашган бу нуфузли мусобақада озод Ўзбекистонимиз номи ҳам бир неча бор янграгани шараф эмасми? Айниқса, бундан кўп эмас, олти-етти йилгина аввал дунёда шундай жаннатий юрт, улуғ бир миллат бор дейишса елка қисишган. Энди-чи? Мамлакатимиз тарихига олтин рақамлар ила битмоққа арзигулик ўтган қисқагина беш йил бизларни бутун жаҳонга танитди. Бўлмаса Чак Норрисдай таниқли спортчи океан ортида туриб «менинг Ўзбекистонда шогирдларим бор. Улар билан фахрланаман» дермиди.

Чунки ўтган йили ҳам яна бир ҳамюртимиз, республикамиз спортининг фидойи вакилларидан бири Арслон Иловнинг ўғли Шуҳрат Илов ҳам худди шу турнирда галаба қозониб келган эди. Ўшандаям Хўжамқул билан Шуҳрат иккаласи оғир синовлардан ўтиб, «Чак Норрис оила аъзоси» деган шарафли номга сазовор бўлган экан.

«Энг қувончлиси, — дейди Хўжамқул суюниб-суюниб. — Делегациялар борган куниёқ Чак Норриснинг ўзи «ўзбекистонликлар келдими?» деб сўрабди. Бўлмаса деярли ҳамма давлатлардан вакиллар бор эди. Бизларга алоҳида ҳурмат ва эҳтиром кўрсатганининг ўзи бизга куч бағишлади. Якунловчи босқичда мукофотларни топшириш маросими бўлди. Менгаям махсус соврин беришди. Қувончим ичимга сиғмади, бир калима сўз сўрадим. Бизларнинг ҳам Чак Норрисга аталган ўз мукофотимиз бор, дедим. Ҳамма ҳайрон. Қандай совға экан деб, туришибди-да. Секингина ўзимизнинг асл дўппимизни олиб, машҳур спортчининг бошига қўндирдим. У ҳаяжон билан «Ўзбекистон, ўзбек, Ўзбекистон» дея ҳайқирди....»

Нор ҚОБИЛ.

Риёми — рўёми?

ЯСАМА ОЁҚНИ КИМ ОЛГАН?

Жексонлик 32 яшарлик ногирон Куртис Хейвуд аввалига полициячиларга ясама оёғини ўғрилаб кетишганини маълум қилди.

Миссисипидаги қайта тиклаш марказининг ортопедик бўлими директори Рик Псонак газетадан бу хабарни ўқигач, Хейвудга янги «оёқ»ни таклиф этди. У ҳақини тўлаб, олиб кетди.

Орадан бироз муддат ўтгач Хейвуд яна полициячиларга мурожаат этди. «Айбига» иқрор бўлди, полициячиларни алдаганини тан олди ва ростини маълум қилди:

— Озроқ пиво ичувдим, лекин ҳечам маст эмасдим, — дейди ҳайратланиб Хейвуд. — Йўл четида пикапимни тўхтатиб, мизғувдим. Кўзим илиниб уйғонсам, оёғим йўқ. Кимга керак менинг оёғим?! Ғира-шира эслайман, тушдек, кимдир назаримда осмондан тушди, пикап лапанглаб ҳавода «учди». Кейин оёғимни «суғурди». Шу алпозда кетаётувдим, аниқроғи «учаётувдим», тўсатдан ҳаммаёқ чунонам ёришиб кетдики... Бошқасини эслайолмайман. Уйғонсам, машинам билан 3-4 чақиримга «учиб» борибман. Оёғим эса йўқ...

Полиция бошлиғининг ўринбосари Билл Хит йўқолган оёқни топди. Ясама оёқ майдалаб ташланганди. Қизиғи, Хейвуднинг оёғи «учиб» ўтган масофасида йўл четига улоқтирилган экан.

Хейвуд энди сира йўлда мизғимайдиган бўлди. Ҳатто тунлари ясама оёғини беркитиб, сўнг хотиржамгина пинакка кетадиган бўп қолди. Эҳтиёт бўлган яхши-да.

Дунё аҳволидан тўлиғи билан хабардор бўлишни истасангиз, „Америка овози" радиосининг 19. 7 ва 25.3 қисқа тўлқинли метрларда ёки 11835-15185-15245 килогерцларда Тошкент вақти билан соат 20.00 да ўзбек тилида бераётган эшиттиришларига диққат-эътиборингизни жалб этамиз.

Ер юзидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ахборотларни ўз вақтида, холисона ва тўлиғи билан соат 20.00 да берилаётган ўзбек тилидаги эшиттиришлардан билиб олиш мумкин. Ўзбек тилидаги радиоэшиттиришлар 19.7 ва 25.3 қисқа тўлқинли метрларда ёки 11835-15185-15245 килогерцларда берилади.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Санаторий-курортлар бирлашмаси йўлланмалар тарқатиш бошқармаси

таътил кунларингизни республиканинг даволаш ва ҳордиқ чиқариш учун ноёб табиий-иқлимий омилларга эга бўлган қуйидаги санаторий-курорт муассасаларида ўтказишга таклиф этади

"Оқтош", "Абу Али ибн Сино", "Ботаника", "Бўстон", "8 Март", "Зомин", "Косонсой", " Қашқадарё соҳили", "Марҳамат", "Мироқи", "Ниҳол", "Ситораи Моҳи Хоса", "Турон", "Чортоқ", "Чимён", "Чинобод", "Ҳовотоғ", "Тошкент маъданли сувлари", "Зангиота", "Семурғ", "Хумсон", "Навбаҳор".

Даволаниш муддати - 24 кун.
Бундан ташқари, Ессентуки, Кисловодск, Ялта, Трусковец, Иссиқкўл санаторий муассасаларига ҳам йўлланмалар сотиб олишингизга ёрдам бера оламиз.

ЙЎЛЛАНМАЛАР УЧУН ПУЛ ИСТАЛГАН ШАКЛДА ТЎЛАНАДИ.

Маълумотлар учун телефонлар: 56-85-68, 56-78-15.
Манзилимиз: Тошкент шаҳар, "Правда Востока" кўчаси, 24-уй.

«МЕРИДИАН-А» фирмаси

ISTIQLOL

табиий ва шифобахш «Истиқлол» Тошкент маъданли сувини таклиф этади.

Сиғими-1,5 литр, пластмасса идишда.
Ҳақ тўлаш шакли - пул ўтказиш йўли билан
Маҳсулотларни сотиш бўйича дистрибьютерлар ва агентларни ҳамкорликка чорлаймиз.

Манзил: Тошкент тумани, Тулабей жамоа хўжалиги, Собир Зокиров кўчаси, 3-уй.
Мўлжал: «Тошкент минерал сувлари» санаторийси
Телефонлар: (3712) 45-98-28, 78-12-57, 30-40-93.

TNT PRODUCTION INC.

ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИНИНГ ИККИНЧИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ

"Ўзэкспомарказ" 4-5 павильонлар
CONSUMER EXPO Uzbekistan
1996 5-8 ноябрь Тошкент шаҳри

КЎРГАЗМАДА

АҚШ	ГЕРМАНИЯ	ФРАНЦИЯ	ИТАЛИЯ
АНГЛИЯ	ИСПАНИЯ	ДАНИЯ	БЕЛЬГИЯ
АВСТРИЯ	ГОЛЛАНДИЯ	ТУРКИЯ	ВЕНГРИЯ
ГРЕЦИЯ	СИНГАПУР	ГОНКОНГ	ЧЕХИЯ
ҲИНДИСТОН	ШВЕЙЦАРИЯ	БАА	ЯПОНИЯ

етакчи фирма-ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотлари намойиш этилади.

Кўргазмада қатнашиш учун аризаларни қуйидаги факслар бўйича юборинг: 7/3712/ 33-05-97, 89-16-76
Халқаро телефон: /3712/ 89-16-76
Почта қутиси: Америка бизнес маркази /АБМ/
Буюк Турон кўчаси, 41
Қўшимча ахборотлар олиш учун қуйидаги факс/телефон бўйича мурожаат этинг: 7/3712/ 62-97-57

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи У. ФАЙЗИЕВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0563

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА